

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Термиз туманида долзарб 40 кунлик



Темиз туманини яшил маконга айлантириш, дарахтзорлар ва боғлар барпо этиш ишлари давом этади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туманнинг ҳар бир ҳудудида манзарали, мевали ва бошқа турдаги дарахт кўчатлари экиш ишлари олиб борилмоқда.

Бугун туманнинг “Янги ҳаёт” маҳалласида жойлашган бўш ер майдонида бодом, хурмо ва ўрик кўчатларини экиш ишлари олиб борилди. Тадбир давомида ушбу мевали дарахтлардан мингдан ортиқ кўчатлар экилди. Туман Ободонлаштириш бошқармасининг техникалари ёрдамида сув келтирилиб, кўчатлар суғорилди.















